

ТАЪЛИМГА ОИД ЛЕКСЕМАЛАР ТЕЗАУРУСИ

Наргиза РАШИДОВА

Катта ўқитувчи

«Шарқ тиллари» кафедраси

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети

Тошкент, Ўзбекистон

ТЕЗАУРУС ЛЕКСЕМ СФЕРЫ ОБРАЗОВАНИЯ

Наргиза РАШИДОВА

Старший преподаватель

Кафедра восточных языков

Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы

имени Алишера Навои

Ташкент, Узбекистан

THESAURUS LEXEMES OF THE EDUCATIONAL SPHERE

Nargiza RASHIDOVA

Senior teacher

Department of Eastern languages

Tashkent State University of Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi

Tashkent, Uzbekistan rnargiza78@mail.ru

UDC (УЎК, УДК): 372.881.1

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Рашидова Н. Таълимга оид лексемалар
тезауруси. // Ўзбекистонда хорижий тиллар.
— 2021. — № 1 (36). — С. 39-49.

<https://doi.org/10.36078/1618556952>

Received: December 16, 2020

Accepted: February 07, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative
Commons Attribution International License
(CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Ушбу мақолада ўзбек тилининг таълим соҳасига оид арабизмлар семантикасида содир бўладиган жараёнларнинг компьютер луғатлари ҳисобланган тезаурусларда акс этиш даражаси ҳақида сўз юритилди. Тезаурус таркибида сўзлар алфавит шаклида эмас, тематик гуруҳларга ажратиб берилди. Мақолада оддий луғатлар ва тезауруслар ўртасидаги фарқли жихатлар ёритилган. Ривожланган давлатлардаги тил корпуслари, миллий корпуслар, тезауруслар учун материал сифатида хизмат қилади. Тезаурус ўзига хос хусусиятлар асосида шаклланиши ва катта ҳажмли материални қамраб олиши билан фарқланади. Мазкур луғатда турли семантик муносабатлар ҳам акс этади. У ўз ичига от, феъл, сифат, равиш туркумига оид сўзларни қамраб олади. Шунингдек, унда ҳар бир сўзнинг асл ва кўчма маънолари ёритилади. Тезауруслар ёрдамида лексемаларнинг семантикасини ҳамда фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини аниқлаш мумкин. Таълим соҳасига оид арабизмлар тезауруси арабча лексемаларнинг ўзбек тили доирасидаги семантик ўзгаришларини ёритишга хизмат қилади, лексемалардаги шаклий ва семантик муносабатларни акс эттиради. Шунингдек, семантик маънони ташкил қилувчи семалар ўртасидаги алоқадорликни кўрсатади. Арабизмларнинг луғавий ва кўчма маънолари таҳлили ўзбек тили доирасидаги семантик ўзгаришларни таҳлил қилишда аҳамиятлидир. Ўзбек тилидаги таълимга оид арабизмлар тезауруси шу типдаги бошқа тезаурусларни шакллантиришда асос вазифасини ўтайди.

Калит сўзлари: арабизм; тезаурус; таълим соҳаси; семантика; луғат; омонимия; синонимия; тематик гуруҳ; асл маъно; кўчма маъно.

Аннотация. Данная статья рассматривает семантику лексем сферы образования, которая отражается в компьютерных словарях-тезаурусах. Лексеммы в составе тезауруса даются не в алфавитном порядке, а по тематическим группам. Выделены различия между простыми словарями и тезаурусами. Тезаурусы — корпусы развитых стран, послужат материалом для национального корпуса. Тезаурус отличается формированием на основе ряда особенностей и охватом большого объема материала. В этом словаре также отражаются различные семантические отношения. В него входят существительные, прилагательные, глаголы и наречия. В словаре отражаются главное и переносное значения лексем. С помощью тезауруса можно определить фонетические, лексические и грамматические особенности лексем. Тезаурус арабизмов сферы образования послужит основой для выражения роли арабских лексем в узбекском языке, для анализа формальных и семантических отношений, для указания связи между значениями, образующими семантическое содержание, для развития основного и переносного значений, анализа формирования семантики арабских лексем, соотнесенности семантики арабских лексем семантике лексем узбекского языка, его особенностей и адаптаций заимствованных слов с семантическими особенностями исконных слов. Тезаурус арабизмов сферы образования в лексическом фонде узбекского языка послужит основой для создания других тезаурусов узбекского языка.

Ключевые слова: тезаурус; сфера образования; семантика; лексика; омонимия; синонимия; тематическая классификация; арабизм; основное значение; переносное значение.

Abstract. The given article is focused on the semantics of lexemes of the educational sphere, which is reflexed in computer dictionaries-thesaurus. The differences between ordinary dictionaries and thesaurus were defined. The lexemes in the content of the thesaurus are given not in alphabetical order, but in thematic groups. Thesaurus corps of developed countries serves as a material for international corps. The thesaurus differs by forming on the basis of a number of peculiarities and by comprising a large volume of a material. This dictionary also reflects different semantic relationships. It consists of nouns, adjectives, verbs and adverbs. The dictionary expresses main and figurative meanings. Using the thesaurus, you can identify phonetic, lexical and grammatical features of lexemes. The thesaurus of Arabic loan words of the educational sphere serves to express the roles of Arabic words in Uzbek language; to analyze formal and semantic relations; to point out the connections between meanings forming semantic content; to develop the main and figurative meanings; to analyze the formation of the semantics of Arabic lexemes, the coincidence of the semantics of Arabic lexemes with Uzbek language; their features and adaptation of derived words to semantic features of original words. Arabic loan words of the educational sphere in the lexical fund of the Uzbek language will serve as the basis for the formation of a thesaurus in the Uzbek language.

Keywords: thesaurus; sphere; education; semantics; lexis; homonymy; synonymy; thematic classification; arabic loanwords; main meaning; figurative meaning.

Кириш. Шаклдошлик ва маънодошлик қаторлари, лексема семантикасидаги жараёнлар тезарус деб номланган компьютер луғатларида тизимли равишда дастурлаштирилган кўринишда акс

этирилади. Тезауруслар лингвистик тадқиқотларда, айниқса, лексема семантикаси, семема, сема, валентлик тушунчаларини таҳлил қилишда катта аҳамиятга эга.

Тезаурус (thesaurus) грек тилидан олинган бўлиб, «ҳазина» деган маъноси англатади. Тезаурус термини икки хил маънода ишлатилади:

- муайян лексик бирлик семантикасига оид лингвистик таҳлилларга асосланган тўлиқ маълумот ёритилган луғатлар;
- билимларнинг муайян соҳасига тааллуқли тизимлаштирилган ахборотлар мажмуи.

Тезаурус — сўзлар ва шу сўзлардан шаклланган лексемалар, луғавий бирликлар, сўз бирикмалари ўртасидаги турли боғланишлар (муносабатлар) ҳақидаги ахборотлар тизимидир. Тезаурус воқелик ҳақидаги ахборот билан бир қаторда, шу воқеликка алоқадор янги ахборотни акс этирувчи маълумотлар тизимини ҳам ўз ичига олади. Тезаурус тилдаги лексик бирликларнинг тизимга солинган, муайян тартибдаги йиғиндисидир. Тезаурус тил бирликлари, улар ўртасидаги муносабатларга асосланади. Тезаурус миллий тил, қайта ишланган табиий тил, ахборот услуги сифатида шакланган сунъий тил семантикасини белгилайди. Дунёнинг ривожланган тилларидан ҳисобланган инглиз, рус тилларидаги тезауруслар миллий корпусларнинг таркибий қисми сифатида маълумотлар базаси ва тадқиқотлар учун материал бўлиб хизмат қилмоқда. Тезауруслар, даставвал, сўзларнинг контекстуал маънолари тўлиқ ёритилган луғатлар сифатида қаралган. Сўзлар мавзуй гуруҳлар асосида ажратилган бир тилли луғат сифатида баҳоланган. Сўзларнинг ассоциатив боғланиши назарда тутилиб, идеографик луғатлар сифатида номланган.

Методология ва тадқиқот методлари. Тезаурусга оид мақолалар, тадқиқотларда компонент таҳлил усули, моделлаштириш методларидан фойдаланиб, илмий натижага эришиш мумкин. Арабизмлар тезаурусини таҳлил қилишда концептуал жадвал усулидан фойдаланилди.

Тезауруслар бир тилли луғат ҳисобланса-да, шу гуруҳдаги луғатлардан фарқли хусусиятларга эга:

БИР ТИЛЛИ ЛУҒАТЛАР	ТЕЗАУРУС
Умумийлик белгисига эга.	Хусусийлик белгисига эга.
Бир неча турлари бор: <i>изоҳли, орфографик, орфоэтик, морфем, этимологик</i> каби.	Ўзи алоҳида тур ҳисобланади.
Сўзлар турли аспектда тавсифланади.	Муайян сўз семантикаси батафсил, ҳар томонлама, кенг қўламда ёритилади.
Сўзларнинг луғавий маъносига асосланилади.	1. Сўзларнинг этимологияси берилади. 2. Сўзнинг луғавий маъноси, семема, семалари, ўз маъноси, қўчма маъноси келтирилади. 3. Контекстуал маънолари акс этади. 4. Сўзнинг синонимлари, омонимлари, антонимлари, паронимлари келтирилади. 5. Морфологик белгилари акс этирилади. 6. Синтактик имкониятлари акс этади.
Сўзлар алифбо тартибда жойлаштирилади.	Лексик бирликлар семантик гуруҳлар асосида жойлаштирилади. Синсет тезаурусларда сўзлар семантикаси синонимик қатор асосида изоҳланади.

Тезаурус луғатда бир қанча луғат белгиларининг мужассамланган ҳолатини кўриш мумкин. Бу луғатлар катта ҳажмдаги материални қамраб олгани учун, асосан, электрон кўринишда бўлади. Тезаурус сўз ифодалаган тушунча, предметлар соҳасини атрофлича тавсифлаш воситаси ҳисобланади ҳамда муайян тушунча, предмет ҳақида тўлиқ ҳолатда ахборот беради.

Тезаурус луғатда ҳар бир сўзнинг валентлиги, яъни қайси сўзлар билан бирика олиш хусусияти ҳам эътиборга олинади. Шунинг учун ҳам тезаурус, биринчи навбатда, “сўзлар ва уларнинг матндаги қўлланишига доир мисоллар изоҳланган максимал даражадаги тўлиқ луғат” ҳисобланади. Ҳозирги тилшуносликда тезаурус лексик бирликлар ўртасидаги семантик муносабатлар (синонимлар, антонимлар, паронимлар, гипонимлар, гиперонимлар) кўрсатилган умумий ёки махсус лексика луғати сифатида қаралади.

Изоҳли луғатларда сўз ифодалаган тушунча изоҳланса, тезауруслар тушунчани изоҳлаш билан бирга, унинг сунъий интеллект доирасида фаол қўлланидиган бошқа тушунчалар ва шу тушунчалар гуруҳига муносабатини ҳам акс эттиради. Шу билан бир қаторда, тезаурусда объект, предмет, тушунча билан бирга у ҳақида субъект эгаллаган барча маълумотларнинг мажмуаси ҳам ўз ифодасини топади.

Соҳага доир тезауруслар, корпоратив коммуникацияга ҳам ёрдам беради. Корпоратив коммуникация — бир касб ёки бир хил тартиб-интизом билан боғлиқ инсонлар ўртасидаги мулоқот ва муносабатларнинг асоси саналади.

Асосий қисм. Тезаурус компьютер луғатларининг дастлабки кўринишлари инсоният тарихининг муайян тарихий босқичларига бориб тақалади. Бу ҳақда компьютер лингвистикаси ва тезаурусга доир манбаларда маълумот берилган (1, 35; 7, 42; 8, 25; 4, 20).

Тезаурус луғат хусусиятларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

- автоматик равишда тартибга солинган, сақлаш ва қидириш тизимига мослаштирилган маълумотлар мажмуи;
- кодлаш учун тавсия қилинадиган сўзлар (дескрипторлар) қидирув тизимида ҳужжат мазмунини очиб берувчи муҳим калит сўз вазифасини ўтайди;
- сўзлар ўртасидаги семантик боғланишларга асосланади;
- тезаурус таркибидаги сўзлар алфавит тартибига эмас, балки семантик алоқадорликка асосланади;
- маълум бир соҳага оид сўзлар тематик жиҳатларига асосан жойлаштирилади ва лексик бирликлар ўртасидаги семантик муносабатлар ёритилади;
- лексик бирликларнинг матндаги маъно мисоллар орқали ёритилган максимал даражадаги тўлиқ луғат.

Дунё тилларида яратилган тезауруслар моҳияти жиҳатидан бир хил бўлса-да, тузилиши, лексик-семантик муносабатларнинг қайси жиҳатлари ёритилишига кўра фарқланади.

Ҳозир дунё тилларида тезаурусларнинг бир неча кўринишлари мавжуд. Шулардан оммабопи инглиз тилида яратилган WordNet тезаурусидир. Бу луғат инглиз тилининг семантик имкониятлари, луғат бойлигини кўрсатишга хизмат қилади. Ўзбек тилида ҳам шу типдаги луғатларнинг яратилиши унинг давлат тили сифатидаги мавқеини оширишга, имкониятларини кенг ёритишга, лингвистикага доир тадқиқотлар кўламининг кенгайишига замин яратади.

“Матн таснифига таъсир кўрсатувчи омиллар ҳақида сўз борганда, лингвистик ресурслар муҳим роль ўйнайди. Шундай ресурс сифатида ўзбек тилининг лингвистик (миллий) корпусини таъкидлаш мумкин. Лойиҳалаштирилган корпуслар асосий талабларга жавоб бермайди. Биз бу ўринда WordNet типигаги лингвистик ресурсларни яратишимиз лозим” (9, 288–289).

Ўзбек тилининг WordNet тезаурусини ишлаб чиқишда анъанавий ўзбек тили лексикографияси ва замонавий ахборот технологияларини уйғунлаштириш лозим. Корпус технологияларидан фойдаланиш ўзбек тилидаги сўзларни таҳлил қилиш, уларнинг реал контекстуал қуршовидаги лексик-семантик вариантларини акс эттирадиган ресурс яратишга имкон беради (5, 45; 2, 286–287).

WordNet — Пристон университети томонидан ишлаб чиқилган, инглиз тилидаги маълумотларнинг дастурлаштирилган базаси: луғат, от, феъл, сифат, равиш туркумидаги сўзлар учун мўлжалланган 4 тармоқдан иборат. WordNetнинг луғат базаси алоҳида сўзлардан эмас, балки сўзларни семантик узвлар асосида бирлаштирувчи *синсет* деб номланувчи синонимик қаторлардан иборат. Луғатдан фойдаланишда қулайлик учун ҳар бир синсет аниқловчи ва қўлланиш хусусиятлари акс этган мисоллар билан бойитилган. Сўз ва сўз бирикмалари бирдан ортиқ синсетда ва бирдан ортиқ туркум категориясига эга бўлади. Ҳар бир синсет синонимлар ва синонимик бирикмалардан ҳамда улар ўртасидаги ва бошқа синсетлар билан муносабатларини ёритувчи кўрсаткичлардан иборат. Бир неча маънони ифодаловчи сўзлар бир неча синсетга мансуб бўлади ва турли лексик, синтактик синфга оид бўлиши мумкин.

WordNetдаги синсетлар турли семантик муносабатлар ёрдамида ўзаро боғлиқ бўлади: гипероним, гипоним, антоним, контекстуал маънолар эътиборга олинади (3).

Ўзбек тилида тезаурус мавжуд эмас. Рус тилидаги тезаурус намунасини кўрамиз. Масалан, *образование* (таълим) сўзининг тезауруси мана шу тартибда берилган:

Основное значение слова <i>образование</i>	Антонимы слова <i>образование</i>	Связанные слова лексики <i>образование</i>
создание	неграмотность (ант.)	образовать
основание	невежество (ант.)	образовывать
организацию	расформирование (ан..)	образовательный
организация	ропуск (ант)	
формирование	уничтожение (ант)	
учреждение		

Қуйида таълимга оид арабизмларни рус тилшунослигида яратилган тезауруслар структураси асосида изоҳланди.

Давлат сўзи таълим тизимида ва умумистеъмом доирасида фаол ишлатиладиган арабча лексемадир. Унинг бу хусусияти тезурус орқали ёритилган семантик таркибида ҳам ўз ифодасини топади.

Давлат:

- сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *от (турдош от)*;
- талаффуз қилиниши (диалект): *давлат, довлат, дуулат*;
- семантик таркиби:
- сўзнинг асл маъноси: фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари тизимида эга бўлган мустақил мамлакат: *Темур*

томонидан тузилган давлатнинг системаси ҳам қизиқарлидир (11, 536).

• *кўчма маъноси*: ҳокимият тузилмаси ва сиёсий ташкилотлари тизимига эга бўлган мустақил мамлакатнинг бошқарув органи, раҳбарият: *Давлат қуриб берсин, деб ўтирмай, ҳашар билан битириб қўяди* (11, 536). “Ҳокимият” маъносида қўлланади: *Чиндан ҳам вақтли ҳукумат давлат тепасига чиқди-ю, лекин амалда подшонинг халққа қарши сиёсатини давом эттирди* (11).

- синоними: *мамлакат, ҳукумат, юрт, республика*;
- омоними: *давлат — бойлик, мол-дунё, мол-мулк*;
- антоними: *нодавлат*;
- гипероними: *тарихий, ижтимоий-иқтисодий уюшма*;
- гипоними: *орган*;
- этимологияси: арабча دولت «мамлакат» маъносидаги сўз;
- фразеологизмлар таркибида қўлланиши: **аркони давлат** (*давлатнинг улуглари, таянчлар*), **давлат тепасига чиқмоқ**, **тахти давлат** (*давлат ҳукмронлиги, подшоҳлик*);

• *бирикмалар таркибида қўлланиши*: *Ўзбекистон давлати* (*эркин бирикма*), *давлат таълим стандартлари* (*турғун бирикма*), *давлат ташкилоти*, *давлат муассасаси*, *темурийлар давлати*, *давлат аппарати*, *давлат бюджети*, *давлат герби*, *давлат интизоми*, *давлат мулки*.

• бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *государство*, инглиз тилида: *state*.

Тезаурус луғат орқали *давлат* арабизмининг “фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ҳокимият органлари ва сиёсий ташкилотлари тизимига эга бўлган мустақил мамлакат” маъносидан “раҳбарият”, “ҳокимият” маънолари шаклланганини кузатиш мумкин. Мазкур лексеманинг омоним шакли бўлган “бойлик, мол-дунё, мол-мулк” маъносидаги *давлат* сўзи ҳам семантик жиҳатдан таҳлил қилинаётган лексик бирликка алоқадор, яъни кўчма маъно асосида шаклланган. Маълум даврдан сўнг, орадаги семантик боғланиш сезилмай қолиши натижасида омонимик муносабат юзага келган.

Давлат иштирокидаги бирикмаларда шу лексеманинг ўзига хос семалари намоён бўлади.

WordNetнинг луғат базаси сўзларни семантик узвлар асосида бирлаштирувчи *синсет* деб номланувчи синонимик қаторлардан иборатлигини айтиб ўтдик.

Таълим тизимига оид синсет тезаурусни фаол қўлланадиган қуйидаги синонимик қатор орқали ёритилди.

Дарс — сабоқ — таълим — таҳсил

• сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *от* (*турдош от*);

- талаффуз қилиниши: *дарс*;
- семантик таркиби: йўқ.
- сўзнинг асл маъноси: Таълим муассасаларида илм, маълумот бериш мақсадида ўтказиладиган ўқув машғулотлари — сабоқ: *Яқинда синфдан ташқари дарс ўтамиз*.

- сўзнинг кўчма маъноси: *йўқ*.
- синоними: *сабоқ — таълим — таҳсил*;
- омоними: *йўқ*.
- антоними: *йўқ*.

- пароними: *дарз* [ф. “чок, чандик; тор тирқиш] ёрик, ёрилган; ёрилган жой; ёрик. Бирор ашённинг синган жойидаги чегара чизик.
- гипероними: таълим жараёни;
- гипоними: *маъруза, амалий машғулот, семинар, лаборатория*;
- яқин маънодаги сўзлар: *дарслик, дарсхона, дарс бермоқ, дарс ўтмоқ, дарс олмоқ*;
- этимологияси: арабча درس “сабоқ”;
- фразеологизмларда қўлланиши: *шайтонга дарс бермоқ*;
- бирикмалар таркибида қўлланиши: *очиқ дарс, анъанавий дарс, ноанъанавий дарс*.
- бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *урок*, англиз тилида: *lesson*.

Дарс сўзининг қўлланиш частотасига кўра синонимик қатордаги бошқа лексемалардан фарқланади. Синонимик қаторда энг фаол қўлланидиган сўз ҳисобланади. Услубий нейтраллиги билан ҳам шу қаторда доминантлик қилади.

Дарс сўзига синоним бўлгани *сабоқ* лексемаси синонимлари қуйидагича:

- сўз ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *от (турдош от)*;
- талаффуз қилиниши: *сабоқ* (шевада: *савоқ*);
- семантик таркиби: йўқ.
- сўзнинг асл маъноси: дарс, машғулот, билим, фан: *бундан таишқари, болалар ҳисоб (тўрт амал) ўрганар, машишоқлик, қўшиқ айтиши бўйича ҳам сабоқ олар эдилар*.
- кўчма маънода: ибрат, ўрнат, намуна бўладиган, ҳаёт тажрибасини оширадиган иш-ҳаракат, воқеа-ҳодиса: *Тарих — доно муаллим ва ҳикматли сабоқ берувчидир, дейди мутафаккирлар*.
- синоними: *дарс — таълим — таҳсил*;
- омоними: *сабоқ (ип)*: игна-сабоқ олиб келди;
- антоними: йўқ.
- пароними: *сабоҳ. Сабоҳ ар.* “эрта тонг, сахар, субҳ, субҳидам”.
- гипероними: *таълим жараёни*;
- гипоними: *огзаки таҳсил, ёзма таҳсил*;
- яқин маънодаги сўзлар: *сабоқдош, сабоқ олмоқ, сабоқ бермоқ, сабоқ бўлмоқ*.

• этимологияси: арабча سبق “тортишув, мусобақа” маъносидаги сўз. Билим жиҳатдан рақобатни назарда тутди.

• фразеологизмларда қўлланиши. *Сабоқ* сўзи фразеологизмлар таркибида келмайди. Демак, турғун бирикма таркибида кузатилмайди. Эркин бирикма таркибида учрайди.

• бирикмалар таркибида қўлланиши: *тарих сабоқлари, ўтмиш сабоқлари*;

• сабоқ бадий бўёқдорлиги, услубий хосланганлиги билан фарқланиб туради.

Таълим лексимасининг тезауруси қуйидагича:

- сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *от (турдош от)*;
- талаффуз қилиниши: *талим*;
- семантик таркиби: йўқ;
- сўзнинг асл маъноси: билим бериш, малака ва кўникмалар ҳосил қилиш жараёни, кишини ҳаётга ва меҳнатга тайёрлашнинг

асосий воситаси: *Таълим ва тарбия ажралмас эгизаклар бўлиб, маълумот уларнинг тотли мевасидир.*

Маънолари: Илм-фан ёки касб-хунар соҳалари бўйича эгалланадиган, олинадиган маълумот ва кўникмалар мажмуи; билим: *Бошлангич таълим.*

Тарбия, одоб-ахлоқ: *Араббой қанча ўқиса ҳам, унинг қилиқ ва гапириши, юриш-туриши мактабда таълим кўрган кишини эмас, балки чапани аравакашни эслатиб турар эди.*

• кўчма маънода: кўрсатма, йўл-йўрик, ўргатув: *Ҳеч кимга қарамай, кетмонни қай хилда чопиш тўғрисида Маллавоё ака берган таълимга ҳам риоя қилмай, қуйиб-пишиб ишлади.*

• синоними: *дарс — сабоқ — таҳсил;*

• омоними: *мавжуд эмас;*

• антоними: *мавжуд эмас;*

• пароними: *талим; Талим — эски ўзбек тилидаги “кўп” маъносини билдира.*

• гипероними: *таълим жараёни;*

• гипоними: *кундузги, кечки, сиртқи, масофавий;*

• яқин маънодаги сўзлар: *таълимий, таълимли, таълимот, таълим бермоқ, таълим олмақ;*

• этимологияси: арабча *تعليم* “ўргатиш, ўқитиш, илм бериш; маълумот”.

• фразеологизмларда қўлланиши: *Талим сўзи фразеологизмлар таркибида қўлланмайди. Демак, турғун бирикма таркибида кузатилмайди. Эркин бирикма таркибида учрайди.*

• *бирикмалар таркибида қўлланиши: таълим тизими, кундузги таълим, сиртқи таълим, кечки таълим, масофавий таълим, узлуксиз таълим;*

• бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *обучение*, инглиз тилида: *training*.

Таҳсил лексикасининг услубий бўёқдорлиги жиҳатдан фарқланиши:

• Сўзнинг ёки тил бирлигининг морфология ва синтаксисга алоқадорлиги: *от (турдош от).*

• талаффуз қилиниши: *тахсил.*

• семантик таркиби: йўқ.

• сўзнинг асл маъноси: ўқиш, билим олиш; *Таҳсилни чала қолдириб, мадрасадан чиқди.*

Маънолари: Ўқиш мавсуми, дарс-машғулотлар даври. *Таҳсил бошланиши билан ҳар бир тўда муллавааччалар патнис ясаб... домлаларнинг олдига олиб кирар.. эдилар (М. Муҳаммаджонов, Турмуш уринишлари) (11, 43).*

Билим, маълумот. *Шунча таҳсил ва тарбия берганларингиз учун раҳмат (11, 43).*

• синоними: *дарс — сабоқ — таълим.*

• омоними: *мавжуд эмас.*

• антоними: *мавжуд эмас.*

• пароними: *таҳсин.*

Таҳсин (ар. *j*; — яхшилаш, такомиллаш, тузатиш, маъқуллаш, мақташ). *Кўпчиликнинг таҳсин ва раҳматига сазовор бўлиб, яхши одам деган номга муносиб бўлиш осон эмас (11, 43).*

• гипероними: *таълим жараёни*

- гипоними: *кундузги, кечки, сиртқи, масофавий*
- яқин маънодаги сўзлар: *таҳсил кўрмоқ, таҳсил олмақ*
- этимологияси: арабча *تحصيل* “эга бўлиш, эгаллаш; йиғиш, тўплаш; ҳосил қилиш, ўрганиш (илмни)” .

• фразеологизмларда қўлланиши: *Таҳсил* сўзи фразеологизмлар таркибида келмайди. Демак, турғун бирикма таркибида кузатилмайди. Эркин бирикма таркибида учрайди:

• *бирикмалар таркибида қўлланиши: мактаб таҳсили, университет таҳсили.*

• бошқа тилларда қўлланиши: рус тилида: *обучение*, инглиз тилида: *training*.

Синсет тезауруслар синоним сўзларнинг маъно бўёқдорлигини, умумий ва фарқли семаларини ёритишда аҳамиятлидир.

Тезаурус хазина маъносидаги сўз бўлиб, бир сўз доирасидаги семантик мазмунни тўлиқ ёритишга хизмат қилади. Шу боис тезаурусларни “семантик хазина” дейиш мумкин.

Ўзбек тили лексикаси тематик жиҳатдан ранг-баранг бўлиб, тезауруслар тематик доирадаги лексик бирикларнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини ёритишда аҳамиятлидир. Хусусан, таълимга оид арабизмлар тезауруси қуйидагиларда муҳим ўрин тутаяди.

1. Таълимга оид арабизмларнинг ўзбек тилидаги ўрнини ёритишга хизмат қилади.

2. Арабизмларнинг ўзаро ҳамда бошқа қатлам сўзлари билан шаклий муносабатларини ўрганишда аҳамиятлидир.

3. Арабизмларнинг ўзаро ҳамда бошқа қатлам сўзлари билан семантик муносабатларини ёритади.

4. Арабизмлардаги луғавий маъно ва истилоҳий маънолар ўртасидаги алоқадорликни кўрсатади.

5. Арабизмлардаги луғавий маъно тараққиёти, кўчма маъно, унинг юзага келиш усуллари таҳлил қилиш имконини беради.

6. Арабизмларга юкланган семантиканинг ўзбек тилига хослиги, лексеманинг қўлланиш хусусиятлари билан алоқадорлиги, ўзлашган қатлам сўзларининг ўз қатлам лексикасининг семантик хусусиятларига уйғунлашиш ҳолатларини ёритишга ёрдам беради.

7. Арабизмларнинг семантик қўлами, семантик мундарижаси ҳақида тўлиқ маълумот беради.

Таълимга оид арабизмлар тезаурусини яратишда лексемалар ёрдамида ҳосил қилинган бирикмаларни ҳам киритишни маъқул топдик. Мавжуд тезаурусларнинг аксариятида лексеманинг фразеологизмлар таркибида келиши инобатга олинган. Лекин бирикма таркибдадаги хусусиятлари эътибордан четда қолдирилган. Бирикмалар ҳам сўз семантикасини очиб бериш учун хизмат қилади. Сўзнинг маъно валентлиги, унинг бошқа бириклар билан бирика олиш хусусияти бирикмалар қуршовида намоён бўлади.

Сўзларнинг нутқда ўзаро боғланиши эркин суръатда амалга ошмайди. Улар ўз семантик имкониятларига кўра чегераланган бўлади. Сўз ўз асосий маъноси имкониятларидан келиб чиқиб, айрим сўзлар билан бирика олади (2, 125; 10, 183; 12, 35).

Компьютер лингвистикаси, корпус лингвистикаси соҳларида, тезауруслар яратишда лексема бирикмаларининг аҳамияти, синтактик-семантик қуршовларнинг ўрни таъкидланган. Коллокацийлар (яъни лексемалар бирикмаси) тадқиқи ҳозирда корпус

тадқиқотларидаги энг асосиймавзулардан бири бўлиб қолмоқда (6, 9; 3, 10–13).

Хулоса. Хулоса тарзида шуни айтиш лозимки, таълимга оид арабизмлар тезаурусининг лингвистик таъминоти мисоллар тарзида келтирилди. Ўзбек тили лексикаси тематик жиҳатдан турли ҳил бўлиб, тезауруслар тематик доирадаги лексик бирликларнинг фонетик, лексик, грамматик хусусиятларини ёритишда аҳамиятлидир. Хусусан, мазкур соҳага оид арабизмлар тезауруси арабизмларнинг ўзбек тилидаги ўрнини ёритишга, бошқа қатлам сўзлари билан шаклий муносабатларини ўрганишга, уларнинг семантик муносабатларини ёритишга, арабизмларнинг луғавий ва кўчма маъноларини таҳлил қилишга ва бир қатор бошқа вазифаларни бажаришга замин яратади. Келажакда, маълумотлар базаси WordNet типидagi ўзбек тили тезаурусини — “Ўзwordnet” тезаурус луғатини шакллантиришда манба сифатида хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Bekmurodov Y. *Kompyuter lingvistikasi*. — Toshkent, 2009. — 174 b.
2. Kurbanova F. *Kompyuter lugatlari: tezaurus*. — Toshkent, 2014. — 74 b.
3. Rahimov A. *Kompyuter lingvistikasi asoslari*. — Toshkent: Akademnashr, 2011. — 155 b.
4. Зегинцев В.А. Семасиология. — М., 1987. — 125 с.
5. Копотев М.В., Мустайоки А. Современная корпусная русистика // *Slavica Helsingiensia*, Инструментарий русистики: корпусные подходы. Хельсинки, 2008. — Б.19–24
6. Қўчқортюев И. Сўз маъноси ва унинг валентлиги // *Ўзбек тили ва адабиёти*. — Тошкент. 1973. — № 3. — Б. 3–7.
7. Матлатипов Г.Р., Мадатов Х.А. Методология автоматизации постройки некоторых онтологий типа WordNet для узбекского языка через существующих WordNet. «Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари». Халқаро анжуман тезислари тўплами. — Тошкент, 2019. 14–15 ноябрь. — Б. 286–287.
8. Миртожиев М. *Ўзбек тили семасиологияси*. — Тошкент: Мумтоз сўз, 2010. — 204 б.
9. Пўлатов А., Мухамедова М. *Компьютер лингвистикаси. Ўқув қўлланма*. — Тошкент, 2011. — 520 б.
10. Раббимов И., Кобилов С. Решение некоторых задач классификации текстов узбекского языка. Амалий математика ва информацион технологияларнинг долзарб муаммолари. Халқаро анжуман тезислари тўплами. — Тошкент, 2019. 14–15 ноябрь. — Б. 288–289.
11. *Ўзбек тилининг изоҳли луғати*. — Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти. — Тошкент, 2008. — 648 б.
12. Шмелев Д.Н. *Очерки по семасиологии русского языка*. — М., 1977, 183 б.

References

1. Bekmurodov Y. *Kompyuter lingvistikasi* (Computer Linguistics), Tashkent, 2009, 174 p.
2. Kurbanova F. *Kompyuter lugatlari: tezaurus* (Computer skills: thesaurus), Tashkent, 2014, 74 p.
3. Rahimov A. *Kompyuter lingvistikasi asoslari* (Basics of computer linguistics), Tashkent: Akademnashr, 2011, 155 p.
4. Zegintsev V.A. *Semasiologiya* (Semasiology), M., 1987, 125 c.

5. Kopotev M.V., Mustayoki A. *Sovremennaya korpusnaya rusistika*. Slavica Helsingiensia, Instrumentariy rusistiki: korpusniye podhodi. Helsinki, 2008, pp.19–24.
6. Kuchkortoev I. *Uzbek tili va adabiet*, Toshkent, 1973, No.3, pp. 3–7.
7. Matlatipov G.R., Madatov Kh.A. *Actual problems of Applied Mathematics and Information Technology. Collection of theses of the International Conference*, Tashkent, 2019, 14–15 November. pp. 286–287.
8. Mirtozhiev M. *Uzbek tili semasiologiyasi* (Semasiology of uzbek language), Tashkent: Mumtoz suz, 2010, 204 b.
9. Pulatov A., Muhamedova M. *Komp'yuter lingvistikasi* (Computer linguistics), Tashkent, 2011, 520 b.
10. Rabbimov I., Kobilov S. *Actual problems of Applied Mathematics and Information Technology. Collection of theses of the International Conference*, Tashkent, 2019, 14–15 November, pp. 288–289
11. *Uzbek tilining izohli lugati* (Explanatory Dictionary of the Uzbek language), Tashkent: Uzbekiston millii entsiklopediyasi Davlat ilmi nashrieti, Tashkent, 2008, 648 p.
12. Shmelev D.N. *Ocherki po semasiologii russkogo yazyka* (Essays on the Semasiology of the Russian Language), Moscow, 1977, 183 p.